



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 7 » aprel

№ 167

Toshkent sh.

Дарё транспортида давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 1 февралдаги ПФ–5647-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳамда дарё транспорти соҳасида давлат хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Дарё транспортида давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти** иловага мувофиқ тасдиқлансин:

кемаларнинг рўйхатга олиш тартиби;

кема реестрини юритиш, ўзгартириш киритиш ва реестрдан чиқариш тартиби;

кемаларни куриш, янгидан жиҳозлаш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш даврида техник кўриқдан ўтказиш, кемаларнинг техник лойиҳа ҳужжатларини келишиш;

кемани дастлабки, навбатдаги, навбатдан ташқари ва ҳар йиллик техник кўриқдан ўтказиш;

кемани куриш даврида, янгидан жиҳозлаш ва таъмирлаш даврида техник назорат олиб бориш;

техник лойиҳа ҳужжатларини кўриб чиқиш;

регистр қоидалари талабларининг бажарилишида аниқланган камчиликларни бартараф этиш тартиби.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Кемаларни куришда, фойдаланишда, янгидан жиҳозлашда ва таъмирлашда уларни мажбурий кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида” 2016 йил 5 майдаги 141-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **икки ой муддатда** ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж.Раматов ва Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири И.Р.Махкамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А.Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “ 7 ” апрелдаги 167-сон қарорига
1-илова

Дарё транспортида давлат хизматлари кўрсатишнинг МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Дарё транспортида давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти (кейинги ўринларда Регламент деб юритилади) кемаларни рўйхатга олиш, кемаларни қуриш, янгидан жиҳозлаш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш даврида техник кўриқдан ўтказиш ҳамда техник лойиҳа ҳужжатларини кўриб чиқиш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Регламентда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

кема - кемачилик мақсадида фойдаланадиган, асосий двигатели 75 от кучидан кам бўлмаган ўзиюрар ва сиғими 80 регистр тоннадан кам бўлмаган ўзиюрмас сузувчан қурилмалар, шу жумладан аралаш (дарё - денгиз) сузиш кемалари, паромлар, сув тубини чуқурлаштирувчи ва тозаловчи земснарядлар, сузувчан кран ва шу каби техник қурилмалар;

Кема гувоҳномаси - кемага мулк ҳуқуқини белгиловчи ва кемада мавжуд бўлиши шарт ҳисобланган ҳужжатлардан бири;

кема эгаси – мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар билан кемага эга бўлган юридик ёки жисмоний шахс;

кема ҳужжатлари - техник кўриқни амалга оширган мансабдор шахс томонидан кеманинг техник кўриқ натижасига асосан расмийлаштирилдиган ва кема бортида бўлиши шарт ҳисобланган Классификация гувоҳномаси, Сузишга яроқли эканлиги тўғрисида гувоҳнома, Нефть оқова сувлар ва чиқиндилардан ифлослантиришнинг олдини олиш тўғрисида гувоҳномалардан иборат ҳужжатлар тўплами;

кемачилик регистри инспектори - Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг кемаларни классификация ва техник назорат қилиш ваколати берилган мансабдор шахси;

худудий кемачилик регистри инспектори - Қорақалпоғистон Республикаси Транспорт вазирлиги, Тошкент, Хоразм ва Сурхондарё вилоятлари транспорт бошқармаларининг кемаларни классификация ва техник назорат қилиш ваколати берилган мансабдор шахслари;

рўйхатга олиш - юридик ва жисмоний шахсларга тегишли кемаларнинг ҳисобини юритиш, кема реестрига киритиш ва мулк ҳуқуқини тасдиқловчи Кема гувоҳномаси бериш билан боғлиқ жараёнлар;

спорт кемалари – сув ҳавзаларида мусобақалар ўтказиш учун мўлжалланган ва махсус лойиҳа асосида қурилган эшкакли қайиқлар, байдаркалар, елканли қайиқлар, моторли катерлар ва шу каби бошқа сузувчан воситалар;

техник кўрик - кемачилик регистри инспектори томонидан кема объектлари ва технологик жараёнларни назорат қилиш ҳамда тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш;

техник лойиҳа ҳужжатлари - кемаларни қуриш ва қайта жиҳозлаш учун ваколатли корхоналар томонидан ишлаб чиқилган ҳужжатлар тўплами;

хос рақам - кема реестрига киритилган, ҳар бир кема учун берилган рақам.

3. Ички сув йўлларида фойдаланишда бўлган, спорт кемаларидан ташқари, кемалар ҳудудий кемачилик регистри инспекторлари томонидан рўйхатга/қайта рўйхатга олинади ва тегишли техник кўриқлардан ўтказилади.

Ҳарбий катерларнинг техник ҳолатини аниқлаш зарурати пайдо бўлганда ҳарбий қисм командирининг қарори ва ўзаро тузилган шартномага асосан ҳарбий катерлар ҳам техник кўриққа тақдим этилиши мумкин.

4. Бирор-бир кемага тегишли бўлган қайиқлар ва бошқа сузувчи воситалар рўйхатга олинмайди, бироқ уларнинг техник ҳолати текширишдан ўтказилади.

5. Ҳудудий кемачилик регистри инспектори ваколатига қуйидагилар киради: кемаларни рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни қабул қилиш; кемаларни рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текшириш;

илгари рўйхатга олинган ва берилган Кема гувоҳномалари мавжудлигини текшириш;

кемаларни рўйхатга/қайта рўйхатга олиш;

Кема гувоҳномасини бериш;

кема реестрини юритиш ва унга ўзгартиришлар киритиш;

кемаларни қуриш, янгидан жиҳозлаш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш даврида техник кўриқдан ўтказиш:

кемаларда техник ҳужжатлар, уларга ўрнатиладиган материал ва буюмларда мувофиқлик сертификатлари мавжудлигини текшириш;

кеманинг назорат остида бўлган объектларини текшириш, ўлчаш, амалда ишлатиб кўриш ва синов ишларини ўтказиш;

кемани қуриш, янгидан жиҳозлаш ва таъмирлаш даврида назорат остида бўлган технологик жараёнларни келишиш ва назорат қилиш;

кемага ўрнатилган материал ва буюмларнинг маркировка ва тамғаларини текшириш;

кемаларга уларнинг техник ҳолатини ва сузишга яроқли эканлигини тасдиқловчи кема ҳужжатларини бериш.

6. Кемани рўйхатга/қайта рўйхатга олиш ва техник кўриқдан ўтказиш, ҳудудий кемачилик регистри инспектори томонидан, кема жойлашган манзил

бўйича, кўрсатиладиган давлат хизматлари учун кема эгаси томонидан олдиндан 100% тўлов амалга оширилгандан кейин 5 иш куни ичида амалга оширилади.

7. Кемани рўйхатга/қайта рўйхатга олиш ва тегишли техник кўрикларни ўтказиш кема эгаси ва Транспорт вазирлигининг тегишли Тошкент, Хоразм, Сурхондарё вилоятлари транспорт бошқармалари ва Қорақалпоғистон Республикаси Транспорт вазирлиги билан ўзаро тузилган шартномалар асосида амалга оширилади.

8. Кемани рўйхатга/қайта рўйхатга олиш ва уни техник кўриқдан ўтказиш тўғрисида ариза кема эгаси томонидан Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки Транспорт вазирлигининг веб-сайти орқали ёхуд бевосита ўзлари жойлашган манзил бўйича тегишли Транспорт бошқармасига тақдим этилади.

2-боб. Кемаларни рўйхатга олиш тартиби

9. Юридик ва жисмоний шахслар кемаларни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда харид қилгандан сўнг (шу жумладан ижара шартномаси асосида олинган экипажсиз кемалар), уларнинг техник ҳолатидан қатъий назар, бир ой ичида рўйхатга қўйиш учун, ўзлари жойлашган манзил бўйича ушбу Регламентнинг 1-иловасидаги шаклга мувофиқ ариза-анкета билан тегишли Транспорт бошқармасига мурожаат этадилар.

10. Кемаларни рўйхатга олиш учун тақдим этиладиган аризага кеманинг тегишли эканлигини тасдиқловчи қуйидаги ҳужжатлардан бири илова қилинади:

кемани корхона балансига қабул қилинганлиги тўғрисидаги буйруқ нусхаси ёки кемага мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат;

кеманинг олди-сотди шартномаси нусхаси;

божхона юк декларацияси нусхаси (чет элдан олиб келинган кема учун);

суд қарори нусхаси.

Чет элдан кириб келаётган кемаларни аниқлаш ва ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг тегишли маълумотлар базаларини бир-бирига интеграция қилиш йўли билан амалга оширилади.

11. Юридик шахс қайта ташкил этилганда давлат рўйхатидан ўтган, янгидан вужудга келган юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари (ёки мавжуд юридик шахснинг ўзгартирилган таъсис ҳужжатлари) ва кемага мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилади.

12. Аризани кўриб чиқиш ва кемани рўйхатга олиш учун Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баробари миқдорида йиғим ундирилади.

13. Кемани рўйхатга қўйиш учун зарур ҳужжатлар ариза берувчи томонидан Ягона интерактив давлат хизматлари портали, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг веб-сайти орқали ёки тегишли транспорт бошқармасига шахсан

ёки олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома олинган ҳолда почта алоқаси орқали тақдим этилади.

Веб-сайт орқали келиб тушган ариза бир иш кунида тегишли ҳудудий кемачилик регистри инспекторига юборилади.

14. Ариза берувчига кемани рўйхатга олиш учун ҳужжатларнинг рўйхати ва қабул қилинган санаси қайд этилган тилхат берилади ёки электрон шаклда хабарнома юборилади.

15. Ҳудудий кемачилик регистри инспектори кемани рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза келиб тушгандан сўнг бир иш куни ичида уни кўриб чиқади ва кеманинг кўрсаткичлари аризада қайд этилган маълумотларга мувофиқ эканлигини аниқлаш учун уч иш куни ичида кема жойлашган манзилга бориб кемани кўздан кечиради.

16. Кеманинг кўрсаткичлари аризада қайд этилган маълумотларга мувофиқ бўлганда ҳудудий кемачилик регистри инспектори бир иш куни ичида мазкур Регламентнинг 2-иловасидаги шаклга мувофиқ Кема гувоҳномасини расмийлаштиради, ҳудудий транспорт бошқармаси бошлиғи имзоси билан тасдиқлайди ва кема эгасига беради.

17. Кема гувоҳномаси ҳудудий кемачилик регистри инспектори томонидан юридик шахс вакилига ёки жисмоний шахснинг ўзига, кемаларни ҳисобга олиш китобига, уни олганлиги тўғрисида имзо қўйилиб топширилади.

18. Кемани рўйхатга олиш учун тақдим этилган аризани қабул қилиш куйидаги ҳолларда рад этилади:

кемани рўйхатга олишни сўраган ариза берувчининг кемаси мазкур Регламентнинг 2-бандида кўрсатилган кемалар таркибига кирмаганда;

ариза берувчининг тақдим этган ҳужжатлари лозим даражада расмийлаштирилмаганда ёки улар тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаганда;

ариза берувчининг тақдим этган ҳужжатларида нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлганда.

19. Ариза берувчи ўн кун ичида билдирилган камчиликларни бартараф этиши ва кемани рўйхатга қўйиш учун аризани қайтадан тақдим этиши мумкин.

20. Ариза берувчи кемани рўйхатга олиш тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги қарор, шунингдек ҳудудий кемачилик регистри инспекторининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақли.

21. Кема гувоҳномаси йўқолганда, кема эгасининг аризасига асосан, унга янги Кема гувоҳномаси берилади.

22. Кема гувоҳномасини қайта расмийлаштириш ва йўқолган Кема гувоҳномасининг ўрнига янгисини бериш учун Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,5 баробари миқдорида йиғим ундирилади.

3-боб. Кема реестрини юритиш тартиби

23. Кема реестри ҳудудий кемачилик регистри инспектори томонидан юритилади ва ҳар бир ўзгартиришлар тўғрисида маълумотларни реестрга киритиб боради ҳамда электрон шаклда кемачилик регистри инспекторига тақдим этади.

Кема реестрига жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами, юридик шахслар учун - солиқ тўловчининг идентификацион рақами, кеманинг номи, жойлашган манзили, чақирув сигнали (аралаш (дарё-денгиз) сузиш кемалари учун), тури, вазифаси, классификацияси ҳамда асосий техник кўрсаткичлари, шу жумладан йўловчи сифими, тўла юк кўтариш қобилияти, техник кўриқдан ўтказилган санаси, кейинги техник кўриқдан ўтказиш санаси кўрсатилади.

Кема реестри Транспорт вазирлигининг расмий веб сайтида жойлаштирилади, ахборот тарқатилиши чекланган кемалар ҳақида маълумотлар бундан мустасно. Ҳудудий кемачилик регистри инспекторидан олинган маълумотлар бўйича кемачилик регистри инспектори Кема реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади ва веб-сайтдаги ахборотларни янгилаб боради.

24. Кема реестрига юридик шахснинг тўлиқ номи ва жойлашган манзили, жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш манзили кўрсатилади. Телефон, электрон почта манзили ва бошқа маълумотлар қўшимча киритилиши мумкин.

25. Кема реестрининг ажралмас қисми бўлиб, ҳудудий кемачилик регистри инспектори томонидан юритилган, рўйхатга олинган кемалар, уларнинг эгалари ва берилган Кема гувоҳномалари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган кемаларни ҳисобга олиш китоби ҳисобланади.

26. Кема реестрининг ҳар бир қатори кемага берилган хос рақам билан белгиланади. Кемаларнинг ҳисобини юритиш учун тўрт рақамли тартиб рақамдан фойдаланилади, бунда биринчи рақам кеманинг тури ва вазифасини билдиради:

йўловчи ташувчи кемалар - 1;

ўзиюрар кемалар - 2;

ўзиюрмас кемалар - 3;

сузувчан понтон кўприклар - 4;

махсус кемалар - 5 билан белгиланади.

Кейинги учта рақам тартиб рақамини билдиради.

Кемаларнинг хос рақамлари олдида қуйидагича индекслар қўйилади:

UZ - дарё портлари ва сув йўллари техник участкаларининг кемалари учун;

G - давлат корхоналарининг кемалари учун;

SO - нодавлат юридик шахслар ва жисмоний шахслар учун;

SPS - қутқарув станцияларининг кемалари учун.

27. Кема реестридаги ҳар бир ёзув кемани рўйхатга олган мансабдор шахснинг фамилияси ва исмини, ёзув киритилган санани кўрсатган ҳолда, унинг имзоси билан якунланади.

4-боб. Кема реестрига ўзгартириш киритиш

28. Кема реестрига ўзгартириш киритиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

юридик ва жисмоний шахснинг жойлашган манзили ўзгарганда;

кема эгаси ўзгарганда;

кемани қайта жиҳозлаш натижасида унинг конструктив ўлчамлари, қуввати ва классификацияси ўзгарганда;

юридик шахс қайта ташкил этилганда ва номи ўзгарганда.

29. Мазкур Регламентнинг 28-бандида кўрсатилган ҳолатлардан бири пайдо бўлганда юридик ва жисмоний шахслар 30 кун ичида ҳудудий кемачилик регистри инспекторига ариза билан мурожаат этишлари керак.

Ҳудудий кемачилик регистри инспектори ариза келиб тушгандан сўнг бир иш кун ичида ариза берувчига кема гувоҳномасини қайта расмийлаштириб бериши ва кема реестрига тегишли ўзгартиришлар киритиши керак.

30. Кема бошқа юридик ёки жисмоний шахс номига қайта расмийлаштирилганда кемага янги хос рақам берилади.

5-боб. Кема реестридан чиқариш

31. Кема реестридан қуйидаги кемалар чиқарилади:

чўккан кемалар (агар уларни чиқариб олишнинг имкони бўлмаса);

конструктив эскирган кемалар;

қайта жиҳозлаш ёки бошқа ўзгартириш киритиш натижасида лойиҳавий сифатини (мувозанат, сузувчанлик, чўкмаслик) йўқотган кемалар;

фойдаланиш ва таъмирлашга яроқсиз деб топилган кемалар.

32. Кемани мазкур Регламентнинг 31-бандида кўрсатилган сабаблар билан кема реестридан чиқариш учун, кема эгаси кема рўйхатга турган манзилдаги ҳудудий кемачилик регистри инспекторига, бу тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб 10 кун муддат ичида, ёзма ариза билан мурожаат қилиши керак.

Кема эгаси кемани реестрдан чиқариш тўғрисидаги аризага Кема гувоҳномасини илова этади.

33. Ҳудудий кемачилик регистри инспектори аризани кўриб чиққандан кейин бир иш кунида кемани Кема реестридан чиқаради ва Кема реестрининг махсус устунда санасини кўрсатиб ёзув киритади ва имзоси билан тасдиқлайди.

6-боб. Кемаларни қуриш, янгидан жиҳозлаш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш даврида техник кўрикдан ўтказиш, кемаларнинг техник лойиҳа ҳужжатларини келишиш

34. Кемаларни қуриш, янгидан жиҳозлаш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш, даврида ҳудудий кемачилик регистри инспектори томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилади:

кемаларни куриш даврида техник назорат олиб бориш;
кемаларни янгидан жиҳозлаш даврида техник назорат олиб бориш;
кемаларни таъмирлаш даврида техник назорат олиб бориш;
кемаларни дастлабки техник кўриқдан ўтказиш;
кемаларни ҳар йиллик техник кўриқдан ўтказиш;
кемаларни навбатдаги техник кўриқдан ўтказиш;
кемаларни навбатдан ташқари техник кўриқдан ўтказиш.

35. Техник кўриқдан ўтказишнинг асосий мақсади қуйидагилар ҳисобланади:
кемаларнинг техник ҳолатини самарали назорат қилишни ташкил этиш;
кемалар ва жиҳозларининг техник ҳолатини техник регламентларга мувофиқлигига баҳо бериш;

кемаларнинг хавфсиз сузишини таъминлаш бўйича профилатик ишларини ташкил этиш;

кемаларда авария ҳолатини олдиндан аниқлаш ва уларни бартараф этиш;
кемаларда аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва иш самарасини ошириш бўйича чоралар ишлаб чиқишда кема эгаларига кўмаклашиш.

36. Техник кўриқ қуйидаги тартибда ўтказилади:

кемага ўрнатиладиган материал ва буюмларда мувофиқлик сертификатлар мавжудлигини текшириш;

назорат остида бўлган кема объектларини кўздан кечириш, ўлчаш ишларини амалга ошириш, механизмларни иш ҳолатида текшириш ва уларни синовдан ўтказиш;

кемаларни куриш, янгидан жиҳозлаш ва таъмирлаш даврида амалга ошириладиган технологик жараёнларни келишиш ва назорат қилиш;

кемага ўрнатилган, назорат остида бўлган материал ва буюмларнинг маркировка ва тамғаларини текшириш;

кемани, ҳудудий кемачилик регистри инспектори томонидан расмийлаштириладиган кема ҳужжатлари билан таъминлаш.

37. Кемаларни техник кўриқдан ўтказиш ва техник лойиҳа ҳужжатларини кўриб чиқиш учун ўзаро тузилган шартномага мувофиқ Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш жамғармасининг махсус ғазначилик ҳисоб рақамига мазкур Регламентнинг 3-иловасида келтирилган “Кемаларни куриш, янгидан жиҳозлаш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш даврида Регистр хизматлари учун тарифлар”га мувофиқ ҳисоблаб чиқилган миқдорда тўлов амалга оширилади.

7-боб. Кемани дастлабки техник кўриқдан ўтказиш

38. Кемани дастлабки техник кўриқдан ўтказиш кемада куриш ишлари тугаллангандан, кеманинг асосий элементлари, тури ва вазифасини ўзгаришига олиб

келган янгида жихозлаш ва капитал таъмирлашдан кейин ҳамда кемани рўйхатга олиш даврида амалга оширилади.

39. Дастлабки техник кўрик, кеманинг классини белгилаш ва кема хужжатларини бериш учун унинг асосий элементларини техник лойиҳа хужжатларига ва техник топшириққа мувофиқлигини аниқлаш, шунингдек техник лойиҳа хужжатлари тақдим этилмаган кемаларнинг корпуси, механизмлари, электр жихозлари, радио жихозлари, қурилмалари ва тизимлари Регистр қоидалари талабларига мувофиқ қурилганлиги ва техник ҳолатини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Дастлабки техник кўриқдан ўтказиш навбатдаги техник кўриқ ҳажмида амалга оширилади.

40. Кеманинг техник лойиҳа хужжатларга мувофиқ эканлиги аниқлангандан кейин ҳудудий кемачилик регистри инспектори кемада, кема эгаси томонидан ажратилган вакил иштирокида (жисмоний шахсларга тегишли кемаларда - кема бошқарувчиси) қуйидаги текширишларни амалга оширади:

кема корпуси, қобиғи, конструкцияси, асосий мустаҳкамловчи элементлари, пайвандлаш ишларининг сифатли бажарилганлиги;

кеманинг сув усти, сув ости бортлари ва юк маркаси тўғри белгиланганлиги;

кемани ишлатиш жараёнларида унинг бортида инсон хавфсизлиги таъминланганлиги ва тўсиқларнинг мавжудлиги;

кема бортида қутқарув воситалари мавжудлиги ва белгиланган меъёрларга мувофиқлиги;

кема ҳаёти учун курашиш авария-қутқарув жихозлари ва белгиланган меъёрларга мувофиқлиги;

ёнғинга қарши техник ҳимоя ва ёнғин ўчиришнинг бирламчи воситалари билан меъёр талабларига мувофиқ таъминланганлиги ва созлиги;

кеманинг асосий двигателини турли иш режимида синовдан ўтказиш;

ёрдамчи двигателни иш жараёнида текшириш, етарли қувват ишлаб чиқаришини текшириш;

кема қурилмалари: руль, швартов, лангар, шатак қурилмаларини кўздан кечириш ва ишлаш жараёнини синовдан ўтказиш;

кема тизимлари: ёқилғи-мойлаш, совутиш, шунингдек бортдан ташқари совутиш, вентиляция, ичимлик суви таъминоти, оқова сув, табиий ва сунъий ҳаво алмашиш тизимлари;

электр жихозлари, электр тақсимлаш қалқонлари, кабель трассалари ва узатиш – қабул қилиш приборлари;

навигация чироқларининг техник лойиҳа хужжатларига мувофиқ ўрнатилганлиги ва уларнинг тўғри жойлаштирилганлиги;

огоҳлантириш сигналлари ва уларнинг тўғри жойлаштирилганлиги;

сув ҳавзаларини нефть, оқова сувлар ва чиқиндилардан ифлослантиришнинг олдини олишга қаратилган чоралар кўрилганлиги, зарур ҳажмдаги идишларнинг мавжудлиги, қувур тизимлари.

41. Текшириш ишлари тугагандан кейин ҳудудий кемачилик регистри инспектори томонидан мазкур Регламентнинг 4-илоvasида келтирилган шаклга мувофиқ уч нусхада Кемани дастлабки техник кўриқдан ўтказиш далолатномаси расмийлаштирилади. Далолатноманинг бир нусхаси кема эгасига, иккинчи нусхаси кемачилик регистри инспекторига юборилади, учинчи нусхаси ўзида қолади.

42. Кемани дастлабки техник кўриқдан ўтказиш далолатномасига мувофиқ ҳудудий кемачилик регистри инспектори кемага, унинг классини белгиловчи Классификация гувоҳномасини (мазкур Регламентга 5-илова), Сузишга яроқли эканлиги тўғрисида гувоҳнома (мазкур Регламентга 6-илова) ва Нефть, оқова сувлар ва чиқиндилардан ифлослантиришнинг олдини олиш тўғрисида гувоҳномаларни (мазкур Регламентга 7-илова) расмийлаштиради.

43. Кемани дастлабки техник кўриқдан ўтказиш даврида, унинг кейинги навбатдаги ва ҳар йиллик техник кўриқдан ўтказиш муддатлари белгиланади. Навбатдаги ва ҳар йиллик техник кўриқдан ўтказиш муддатлари дастлабки техник кўриқдан ўтказилган санадан ҳисобланади.

44. Классификация гувоҳномаси, Сузишга яроқли эканлиги тўғрисида гувоҳнома ва Нефть, оқова сувлар ва чиқиндилардан ифлослантиришнинг олдини олиш тўғрисида гувоҳномалар, Кемани дастлабки техник кўриқдан ўтказиш далолатномасининг бир нусхаси билан биргаликда кема эгасига тақдим этилади.

8-боб. Кемани ҳар йиллик техник кўриқдан ўтказиш

45. Кемани ҳар йиллик техник кўриқдан ўтказиш навбатдаги техник кўриқлар оралиғида, кема корпуси, унинг асосий мустаҳкамловчи элементлари, асосий ва ёрдамчи двигателлари, механизмлари, қурилмалари, тизимлари, авария қутқарув жиҳозлари, электр жиҳозлари, ёнғинга қарши техник ҳимоя ва ёнғин ўчиришнинг бирламчи воситалари соzлигини аниқлаш ва кема ҳужжатларининг амал қилиш муддатини узайтириш мақсадида амалга оширилади.

46. Кемани ҳар йиллик техник кўриқдан ўтказиш кема ҳужжатларида белгиланган муддатларда ўтказилади. Кема эгасининг аризасига мувофиқ ҳар йиллик техник кўриқ кема ҳужжатларида белгиланган муддатдан уч ой олдин ёки уч ой кейин ўтказилиши мумкин.

47. Кемани ҳар йиллик техник кўриқдан ўтказиш даврида ҳудудий кемачилик регистри инспектори томонидан қуйидаги текширишлар амалга оширилади:

кема корпуси ва унинг асосий мустаҳкамловчи элементларини кўздан кечириш;

асосий ва ёрдамчи двигателларни ишлатиб текшириш;

руль, лангар, швартов ва шатакловчи қурилмаларни ишлатиб текшириш;

тизимлар, нефть, оқова сувлар ва чиқинди қувурларини кўздан кечириш;
авария қутқарув жиҳозлари мавжудлиги ва техник ҳолатини текшириш;
электр жиҳозларининг яроқлилиги ва техник ҳолатини текшириш;
кема борти ёнғинга қарши техник ҳимоя ва ёнғин ўчиришнинг бирламчи
воситалари билан меъёр талабларига мувофиқ таъминланганлиги ва созлигини
текшириш;

навигация чироқларининг тўғри ишлаши ва техник ҳолатини текшириш.

48. Агар кемани ҳар йиллик техник кўрикдан ўтказиш даврида кема корпуси қисмини докка чиқариб кўрикка тақдим этиш кўзда тутилмаган бўлса ва ҳудудий кемачилик регистри инспекторига кеманинг сув ости қобиғи шубҳа уйғотса, кема эгасидан кемани докка чиқариш ёки бошқа усул билан сув ости қобиғини текшириш лозимлигини талаб қилишга ҳақли. Кемадан фойдаланиш тўғрисидаги қарор сув ости қобиғини текшириш натижалари бўйича қабул қилинади.

49. Корпуси ёғоч ва композит материалдан тайёрланган ҳамда йўловчи ташувчи кемаларнинг сув ости қисми ҳар йиллик техник кўрик даврида текширилади.

50. Кемани ҳар йиллик техник кўрикдан ўтказиш натижаси бўйича ҳудудий кемачилик регистри инспектори томонидан мазкур Регламентнинг 8-иловасидаги шаклга мувофиқ икки нусхада кемани ҳар йиллик техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида хабарнома расмийлаштирилади. Хабарномада назорат остидаги объектларнинг техник ҳолати тўғрисида қайд этилади.

51. Ҳудудий кемачилик регистри инспектори хабарномада қайд этилган маълумотларга асосан кема ҳужжатларининг тегишли қисмларига маълумотларни киритади ва кема ҳужжатларининг амал қилиш муддатини узайтиради. Хабарноманинг бир нусхаси ва кема ҳужжатлари кема эгасига тақдим этилади.

9-боб. Кемани навбатдаги техник кўрикдан ўтказиш

52. Кемани навбатдаги техник кўрикдан ўтказиш кема корпуси, унинг асосий элементлари, жиҳозлари, механизмлари, қурилмалари, тизимлари ва таъминотининг техник ҳолатини аниқлаш мақсадида, кеманинг қурилган йили ҳисобга олинган ҳолда ўтказилади. Навбатдаги техник кўрик натижаси бўйича кеманинг белгиланган вазифаси ва классига мувофиқ сузиш хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган талаблар ўрнатилади.

53. Кемани навбатдаги техник кўрикдан ўтказиш ҳар тўрт йилда бир марта кемани докка (қирғоққа) чиқариб ўтказилади.

Кемани навбатдаги техник кўрикдан ўтказиш йилида ҳар йиллик техник кўрик ўтказилмайди.

54. Кемани навбатдаги техник кўрикдан ўтказиш даврида қуйидаги текширишлар амалга оширилади:

емирилиш қиймати ва шикастланишларнинг мавжудлигини умумий ва маҳаллий мустаҳкамлиги таъминланишидаги таъсир даражасига баҳо берган ҳолда кема корпуси конструкциясининг қоидалар талабларига мувофиқ сақланганлиги ва сув ўтказмаслиги;

корпус конструкцияси ва қобикнинг қолдиқ қалинлиги;

кема тури ва қурилган йилига қараб, фойдаланиш даврида хизмат кўрсатиш қийин, агрессив муҳит, терлаш, ҳаво алмашинуви етарли бўлмаган ва намлик даражаси юқори бўлган жойларда жойлашган корпус конструкцияларининг техник ҳолати;

устқурмалари алюмин қоришмасидан тайёрланган кемаларда металл билан бириктирилган жойларининг техник ҳолати;

кема корпусида занглаш мавжудлиги ва уларнинг пайдо бўлиши сабаблари;

кема қурилмалари, жиҳозлари ва таъминотининг техник ҳолати:

руль, лангар, швартов ва шатакловчи қурилмаларни ишлатиб текшириш;

сигнал мачталари ва такеллажларининг техник ҳолати;

авария таъминоти ва ёнғинга қарши ҳимоя воситаларининг техник ҳолати;

механик қурилма ва машина бўлимининг жиҳозлари, уларнинг конструкциялари, жойлашуви ва техник ҳолати;

асосий ва ёрдамчи ички ёнув двигателлари деталларини кўздан кечириш, детал ва узеллари тирқишларини ва емирилишини ўлчаш. Агар бунга имкон бўлмаса ва двигателлар иш режимида номинал кўрсаткичларини сақлаб қолган бўлса цилиндр блокларини ташқи кўздан кечириш;

узатма, муфта ва эшкак валининг техник ҳолати;

электр ва автоматика жиҳозларининг техник ҳолати;

сигнал мачтаси ва навигация чироқларининг техник ҳолати;

нефть, оқова сувлар ва чиқиндилар учун мўлжалланган идишларнинг ва қувур тизимларининг техник ҳолати.

55. Кемани навбатдаги техник кўриқдан ўтказиш натижаси бўйича ҳудудий кемачилик регистри инспектори мазкур регламентнинг 4-иловасидаги шаклга мувофиқ икки нусхада Кемани навбатдаги техник кўриқдан ўтказиш далолатномаси расмийлаштиради.

56. Кемани навбатдаги техник кўриқдан ўтказиш далолатномасига асосан кема класси тасдиқланади/тикланади, кема хужжатлари янгидан расмийлаштирилади ва далолатноманинг бир нусхаси билан биргаликда кема эгасига тақдим этилади.

57. Кема эгасининг аризаси ва кеманинг техник ҳолати фойдаланишга яроқли тўғрисидаги далолатномага асосан кемани навбатдаги техник кўриқдан ўтказиш даври бир йилгача, зарур ҳолларда, кема эгасининг аризасига мувофиқ яна бир йилга узайтирилиши мумкин, йўловчи кемалари бундан мустасно. Кемани навбатдаги техник кўриқдан ўтказиш даврини узайтириш икки йилдан ошмаслиги керак.

10-боб. Кемани навбатдан ташқари техник кўриқдан ўтказиш

58. Кемани навбатдан ташқари техник кўриқдан ўтказиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

кемада шикастланишлар пайдо бўлгандан кейин, уларни бартараф этмасдан хавфсиз фойдаланиш таъминланмаганда;

шикастланишлар бартараф этилгандан кейин. Бу ҳолда сузишга яроқли эканлиги тўғрисидаги гувоҳнома барча талаблар бажарилгандан сўнг расмийлаштирилади;

кемада сузиш хавфсизлигини таъминлашга шубҳа уйғотувчи носозликлар пайдо бўлганда;

ўз кучини йўқотган кема ҳужжатларининг амал қилишини тиклаш учун кеманинг техник ҳолати ва сузиш ҳудудини белгилаш даврида;

кема конструкцияси ва классификацияси бўйича сузиш ҳудуди белгиланмаган ҳудуддан бир марталик ўтиш зарурати туғилганда;

қирғоққа кўтариш кўзда тутилган кема корпусининг тағ қисми ҳолатини аниқлашда;

кемани ҳар йиллик техник кўриқдан ўтказиш натижаси бўйича кемадан фойдаланиш тўхтатилган кемада, барча талаблар бажарилганда;

навбатдаги техник кўриқдан ўтказиш муддатини узайтириш эҳтиёжи пайдо бўлганда;

кема эгасининг аризасига мувофиқ, агар кемада сузиш хавфсизлиги таъминланишига шубҳа уйғотувчи носозликлар пайдо бўлганда.

59. Кемада авария ҳолатлари содир этилганда кема эгаси зудлик билан ўзи жойлашган ҳудудий кемачилик регистри инспекторига бу ҳақида хабар қилиши керак. Олинган шикастланиш даражасига қараб кемада навбатдан ташқари техник кўриқ ўтказилади.

Кемани навбатдан ташқари техник кўриқдан ўтказиш даврида йиғим фақат кемада шикастланиш пайдо бўлган қурилма (кема корпуси, асосий двигателлар, ҳаракатлантирувчи механизмлар, электр жиҳозлари) бўйича ҳар йиллик техник кўриқдан ўтказиш ҳажмида ундирилади.

60. Ҳудудий кемачилик регистри инспектори авария ҳолатларини таҳлил қилади ва авария сабабларини аниқлайди (кеманинг конструктив камчиликлари, олинган шикастланишлар даражаси ва унинг сузиш хавфсизлигига таъсири, об ҳаво шароити, шамол, тўлқин, оқим тезлиги ва кема экипажининг малакаси) ва авария ҳолатларини аниқлаш бўйича ташкил этилган комиссия ишида иштирок этади ва мазкур Регламентнинг 9-иловасидаги шаклга мувофиқ уч нусхада Кема билан содир этилган авария тўғрисида далолатнома тузади. Далолатноманинг бир нусхаси кема эгасига, иккинчи нусхаси кемачилик регистри инспекторига юборилади, учинчи нусхаси ўзида қолади.

61. Худудий кемачилик регистри инспектори текшириш натижалари бўйича аниқланган камчиликлар қайд этиб ўтилган ва бу камчиликларни бартараф этиш талаблари ўрнатилган кемани навбатдан ташқари техник кўриқдан ўтказиш тўғрисида далолатномани уч нусхада тузади. Далолатноманинг бир нусхаси кема эгасига, иккинчи нусхаси Кемачилик регистри инспекторига юборилади, учинчи нусхаси ўзида қолади.

11-боб. Кемани қуриш даврида техник назорат олиб бориш

62. Кемани қуриш даврида назорат қилишни кемачилик регистри инспектори томонидан келишилган техник лойиҳа ҳужжатлари асосида худудий кемачилик регистри инспектори амалга оширади.

Чет давлатлардан Ўзбекистон Республикасига олиб келинадиган кемаларни қуриш даврида назорат қилиш кемачилик регистри инспектори томонидан амалга оширилади.

63. Қуриш даврида етарли даражада техник назорат олиб бориш учун, кема қуриш корхонаси ҳар бир техник жараёни бошлашдан бир кун олдин худудий кемачилик регистри инспекторини хабардор қилади.

Худудий кемачилик регистри инспекторини хабардор қилиш, уни назорат объектида бўлиши тартиби ва муддати ўзаро тузилган шартномаларда белгилаб қўйилади.

64. Кемани қуриш даврида техник назорат норматив ҳужжатлар, маъқулланган техник лойиҳа ва иш ҳужжатларига асосан ўтказилади. Кемада қуриш ишлари тугаллангандан кейин техник кўриқдан ўтказиш ишлари тугалланган ҳамда кемага Классификация гувоҳномаси ва кема ҳужжатлари берилган сана кемани дастлабки техник кўриқдан ўтказилган санаси ҳисобланади.

65. Кемани қуриш даврида техник назорат олиб бориш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

кема корпуси бўйича:

кема корпуси ва бириктирувчи элементларининг ўлчамлари ва жойлашуви бўйича техник лойиҳа ва ишчи ҳужжатларни ўрганиб чиқиш;

кема конструкциясини тайёрлаш жараёнида техник лойиҳа ҳужжатларида белгиланган “пайвандлаш” қисми талаблари бажарилиши;

кема конструкциясини боғловчи элементларининг ўлчамлари, уларда босимга захира бўлиши;

конструкция элементлари ва конструкциянинг ўзида мустаҳкамлик талабларининг бажарилиши;

конструкция тайёрлашда қўлланилаётган материал ва буюмларнинг ўлчамлари;

қўлланилаётган материал ва буюмларда мувофиқлик сертификатларининг мавжудлиги;

конструкция жиҳозлари оралиғи ўлчамларининг таъминланганлиги;
кемада мустаҳкамлик, устуворлик, чўкмаслик, барқарорлик ва сузувчанликка кўйилган талабларнинг бажарилиши;
корпусни бўлинмаларга ажратиш, сув ўтказмайдиган переборкалари учун ўрнатилган талабларнинг бажарилиши;
кўндаланг ва бўйлама мустаҳкамликнинг таъминланганлиги;
кема ташқи қобиғи бир қисмдан иккинчи қисмга ўтганда текис ўтиши, кескин бурилишларга йўл қўймаслик;
сув усти ва сув ости бортлари, юк маркасининг тўғри белгиланиши;
устқурмалар ва рубканинг тўғри жойлаштирилиши;
техник лойиҳа ҳужжатларида белгиланган усулда қобиқнинг сув ўтказмасликка текшириш;
штевлар, кил, руль, эшкак ваги, эшкак винтининг кўзғалмас кронштейнларига ўрнатилган талабларнинг бажарилиши;
асосий механизмларни ўрнатишга мўлжалланган фундаментларни тайёрлаш ва уларни жойлаштириш бўйича талабларнинг бажарилиши;
машина бўлими конструкцияси, электр жиҳозлари ва тизимларни ўтказиш учун мўлжалланган тешиқларни тўғри жойлаштирилганлиги;
фальшборт ва ҳимоя тўсиқларига ўрнатилган талабларнинг бажарилиши;
ёнғинга қарши ҳимоя чораларининг тўғри танланганлиги.
Асосий ва ёрдамчи двигателлар, механизм ва қурилмалар бўйича:
асосий ва ёрдамчи двигателларнинг техник лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ танланганлиги ва уларда техник паспорт ва сертификатларнинг мавжудлиги, фундаментга тўғри ва ишончли ўрнатилганлиги;
механизм ва қурилмаларнинг техник лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ танланганлиги ва уларда мувофиқлик сертификатларининг мавжудлиги, фундаментга тўғри ва ишончли ўрнатилганлиги;
руль, лангар, швартов ва шатак қурилмалари учун танланган буюмларнинг техник лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ танланганлиги.
Электр жиҳозлари бўйича:
бош электр тақсимлагич қалқони ва электр кабелларининг техник лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ танланганлиги;
электр кабеллари трассасининг кема корпуси бўйлаб ўтказилиши, хавфсизлик таъминланганлиги;
электр кабелларни улаш жойларининг сифати;
радиоалоқалар учун танланган усқунанинг техник лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ танланганлиги;
сигнал мачтасидаги фарқловчи чироқлар ва навигация чироқларининг техник лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ танланганлиги ва уларни тўғри ўрнатилганлиги;
Кема тизимлари бўйича:

кеманинг совутиш, бортдан ташқари совутиш, ёқилғи, ичимлик сув таъминоти тизимларининг техник лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ ўтказилганлиги; нефть, оқова сув ва чиқиндилар учун мўлжалланган идишларнинг ўлчамлари ва кемада ўрнатилиши;

кўл ва электр насосларининг ўрнатилиши.

66. Худудий кемачилик регистри инспектори қуришнинг ҳар босқичида кемани қуриш даврида техник кўриқдан ўтказиш тўғрисида далолатномани расмийлаштириш орқали бажарилган ишларни техник лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ эканлиги тўғрисида қайд этиб бориши мумкин.

67. Қуриш ишлари тугаллангандан кейин кемани сувга туширишдан олдин худудий кемачилик регистри инспектори кема корпуси, механизмлари, қурилмалари, тизимлари ҳолатини синчиклаб ўрганиб чиқади ва кемани сувга тушириш учун рухсат беради.

68. Кемада синов ишларини амалга ошириш учун кема қуриш корхонаси томонидан масъул шахслардан иборат қабул қилиш комиссияси ташкил этилади. Комиссия таркибига худудий кемачилик регистри инспектори киритилади.

69. Кема сувга туширилгандан кейин кемада синов ишларини амалга ошириш учун масъул шахслар худудий кемачилик регистри инспектори иштироқида кема корпусининг сув ўтказмасликка ишонч ҳосил қилиш учун кема бўлинмаларини бирма-бир текшириб чиқадилар. Аниқланган камчиликлар зудлик билан бартараф этилади.

70. Кема механиги кеманинг асосий двигателини ишга туширади ва кема, кема қатнайдиған йўлга чиқарилади ва параметр кўрсаткичлари қайд этилган ҳолда асосий двигатель барча режимда ишлатилиб текширилади, руль, лангар, шатак қурилмаси, электр жиҳозлари, сигнал мачтаси ва навигация чироқлари ишлатиб текширилади ва қайд этилган ҳолда швартов ва юриш синовлари ўтказилади.

71. Синов натижалари бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилади.

72. Ўтказилган синовнинг ижобий натижалари бўйича худудий кемачилик регистри инспектори томонидан барча кўрсаткичлар қайд этилган ҳолда уч нусхада дастлабки техник кўриқдан ўтказиш тўғрисида далолатнома тузилади. Далолатноманинг бир нусхаси кема эгасига, иккинчи нусхаси кемачилик регистри инспекторига юборилади, учинчи нусхаси ўзида қолади.

12-боб. Кемани янгидан жиҳозлаш ва таъмирлаш даврида техник назорат олиб бориш

73. Кемани янгидан жиҳозлаш даврида назорат қилишни кемачилик регистри инспектори томонидан келишилган техник лойиҳа ҳужжатлари асосида, таъмирлаш даврида эса тузилган нуқсонлар ва бажариладиган ишлар рўйхати асосида худудий кемачилик регистри инспектори амалга оширади.

74. Кемани янгидан жиҳозлаш маъқулланган техник лойиҳа ва иш ҳужжатларига асосан ўтказилади. Техник лойиҳа ҳужжатлари асосланган ҳисоб китоб ишларига мувофиқ ишлаб чиқилгани ўрганиб чиқилади. Киритилган конструктив ўзгартиришлар даврида кемадан хавфсиз фойдаланиш талаблари бажарилган бўлиши керак.

75. Кемани янгидан жиҳозлаш ва таъмирлаш даврида назорат олиб бориш ҳудудий кемачилик регистри инспектори ва кема эгаси ўртасида тузилган ўзаро шартнома асосида амалга оширилади.

Ҳудудий кемачилик регистри инспекторини кемани янгидан жиҳозлаш тўғрисида хабардор қилиш, уни назорат объектида бўлиши тартиби ва муддати ўзаро тузилган шартномаларда белгилаб қўйилади.

76. Ҳудудий кемачилик регистри инспектори фақат кеманинг янгидан жиҳозланаётган ва таъмирланаётган объектида амалга ошириладиган ишларни техник назорат қилади. Қўлланилаётган материал ва буюмларда уларнинг мувофиқлик сертификатлари мавжудлигини текширади.

77. Кемада янгидан жиҳозлаш ва таъмирлаш ишлари тугаллангандан кейин ҳудудий кемачилик регистри инспектори томонидан кемани навбатдаги техник кўриқдан ўтказиш тўғрисида икки нусхада далолатнома расмийлаштирилади.

78. Кемани навбатдаги техник кўриқдан ўтказиш тўғрисида далолатномага асосан кемага янги класс ўрнатилган/тасдиқланган Классификация гувоҳномаси ва кема ҳужжатлари янгидан расмийлаштирилади ва далолатноманинг бир нусхаси билан биргаликда кема эгасига тақдим этилади.

13-боб. Техник лойиҳа ҳужжатларини кўриб чиқиш

79. Кемани куришдан олдин кема куриш корхонаси томонидан кемачилик регистри инспекторига, тегишли классдаги кема учун берилган техник топшириққа асосан ишлаб чиқилган техник лойиҳа ҳужжатларини икки нусхада тақдим этади.

80. Техник лойиҳа ҳужжатлари кемачилик регистри инспекторига қуйидаги усуллардан бири бўйича тақдим этилиши мумкин:

кейинчалик кемачилик регистри инспекторига ишчи чизмаларни тақдим этиш шarti билан техник лойиҳа ҳужжатларини;

кейинчалик кемачилик регистри инспекторига ишчи чизмаларни келишиш учун тақдим этмаган ҳолда техник лойиҳа ҳужжатларини. Бу ҳолда тақдим этилган техник лойиҳа ҳужжатлари лойиҳаштирилган кеманинг берилган техник топшириқ талабларига мувофиқ эканлигини аниқлаш ҳамда кеманинг асосий конструктив қисмларини тайёрлаш даврида техник назорат олиб бориш имконини бериши керак.

81. Кеманинг техник лойиҳа ҳужжатларини кўриб чиқиш бўйича кемачилик регистри инспектори ваколатига қуйидагилар қиради:

кеманинг техник лойиҳа ҳужжатларини техник топшириққа мувофиқ ишлаб чиқилганлигини текшириш;

кема конструкцияси, механизмлари, қурилмалари, тизимлари, корпус элементлари ва ҳ.к. белгиланган вазифаси, сузиш ҳудуди, класси ва берилган техник топшириққа мувофиқ эканлигини аниқлаш;

аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича ёзма кўрсатма бериш;

лойиҳаловчи корхонадан аниқланган камчиликларни бартараф этилишини талаб қилиш;

текшириш натижаси бўйича эксперт хулосасини расмийлаштириш ва келишилган техник лойиҳа ҳужжатлари билан биргаликда тақдим этиш;

кемаларни қуриш даврида техник назорат олиб бориш бўйича ҳудудий кемачилик регистри инспектори ишини назорат қилиш.

82. Техник лойиҳа ҳужжатларига конструкция ва элементлари бўйича маҳаллий сузиш шароитига мослаштириш учун кемачилик регистри инспектори томонидан киритилган таклифлар бўйича ўзгартиришлар, унга техник лойиҳа ҳужжатларини кўриб чиқиш жараёнида, қуриш ишлари бошланмасдан олдин тақдим этилади.

83. Кемачилик регистри инспекторига тақдим этилган техник лойиҳа ҳужжатларида тушунтириш хати, кеманинг чўкмаслиги, сузувчанлиги, устуворлиги ва кемани юклаш-тушириш йўриқномаларини ўз ичига олган маълумотлар бўлиши керак.

84. Техник лойиҳа ҳужжатларини кўриб чиқишда кемачилик регистри инспектори томонидан қуйидагилар текширилади:

техник лойиҳа ҳужжатларининг техник топшириқда кўрсатилган жиҳозлар бўйича тўлиқ тақдим этилганлиги;

тушунтириш хати;

тақдим этилган техник лойиҳа ҳужжатларининг рўйхати;

ҳар бир назорат объектининг чизмаси ва бириктириш усули;

ҳар бир назорат объектининг ўлчамларини техник топшириқда кўрсатилган ўлчамларга мувофиқлиги.

85. Кемачилик регистри инспектори техник лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган ўлчамларнинг ҳисоб-китоби тўғри бажарилганлигини текширмайди.

86. Техник лойиҳа ҳужжатларини кўриб чиқиш ва келишиш кема қуриш корхонаси томонидан ҳужжатлар тақдим этилгандан кейин 15 иш куни ичида амалга оширилади.

87. Техник лойиҳа ҳужжатларини кўриб чиқиш натижаси бўйича кемачилик регистри инспектори икки нусхада эксперт хулосаси тайёрлайди, тақдим этилган техник лойиҳа ҳужжатларида текширилганлиги ва келишилганлиги тўғрисида санасини кўрсатиб белги қўяди ва имзоси билан тасдиқлайди.

Кемачилик регистри назорати остида бўлмаган, техник топшириқ билан талаблар ўрнатилмаган элементлар ва конструкциялар чизмаларига белги қўйилмайди.

88. Келишилган техник лойиҳа ҳужжатлари ва эксперт хулосасининг бир нусхаси кема қуриш корхонасига тақдим этилади.

14-боб. Регистр қоидалари талабларининг бажарилишида аниқланган камчиликларни бартараф этиш

89. Кемачилик регистри инспектори ва ҳудудий кемачилик регистри инспектори кемалардан фойдаланиш даврида аниқланган камчиликлар ва қоидабузарликларни бартараф этиш бўйича қуйидаги ишларни амалга оширади;

кемалардан фойдаланиш, табелда қайд этилган таъминот ва инвентарь билан бутлаш, сузиш ва фойдаланиш хавфсизлигини таъминлаш бўйича талаблар бажарилиши бўйича кема эгаларига тақдимнома беради;

хавфсиз сузиш шароитлари, одамлар ҳаётини муҳофаза қилиниши, ички кема йўлларида юкларнинг ишончли ташилиши, кемалардан ифлослантиришнинг олди олинишини таъминлаш бўйича сузиш воситаларига қўйиладиган техник талаблар бажарилишини техник назорат қилади;

кема қуриш, янгидан жиҳозлаш ва таъмирлаш даврида унинг конструкцияси мустақамлигига таъсир қилувчи, шунингдек, инсон саломатлиги ва ҳаётига таҳдид солувчи конструктив нуқсонлар аниқланган ҳолатларда, уларни бартараф этилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар беради;

